

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЙИГИТОВ АЮБХОН АЗИЗОВИЧ

**СИМУЛЬТАНТ ЛАПАРОСКОПИК ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ
ОРҚАЛИ ҚОРИН БЎШЛИГИ ОРГАНЛАРИДА ҲАМРОХ
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Йигитов Аюбхон Азизович

Симультант лапароскопик операцияларни қўллаш орқали қорин бўшлиғи органларида ҳамроҳ касалликларининг даволаш натижаларини яхшилаш..... 3

Йигитов Аюбхон Азизович

Улучшение результатов хирургического лечения сочетанных заболеваний органов брюшной полости путем применения симультанных лапароскопических операций..... 27

Yigitov Ayubkhon Azizovich

Enhancing surgical outcomes in the treatment of combined diseases of the abdominal organs through the application of simultaneous laparoscopic interventions..... 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 53

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЙИГИТОВ АЮБХОН АЗИЗОВИЧ

**СИМУЛЬТАНТ ЛАПАРОСКОПИК ОПЕРАЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ
ОРҚАЛИ ҚОРИН БЎШЛИГИ ОРГАНЛАРИДА ҲАМРОХ
КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.3.PhD/Tib4981 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-сахифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжиматов Гуломиддин Минходжиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мусашайхов Хусанбой Таджибаевич
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Ирматов Сарвар Ҳикматиллаевич
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти

Диссертация химояси Андижон давлат тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю. Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» куни тарқатилди.

(2025 йил «_____» даги _____-рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти мутахассисларининг баҳолашича, 20-30% жарроҳлик беморларида бир вақтнинг ўзида бир неча жарроҳлик амалиётини ўтказиш зарурати юзага келади. Бир вақтнинг ўзида ўтказиладиган операциялар шубҳасиз терапевтик самарадорликни ошириш ва ижтимоий-иқтисодий юкни камайтириш имконини берса-да, бундай операцияларнинг умумий жарроҳлик амалиётларидағи улуши 6% дан ошмайди¹. Бу эса госпитализация муддатларининг узайишига, асоратлар сонининг кўпайишига, bemорларнинг ҳаёт сифати пасайишига ҳамда тиббий харажатларнинг ошишига олиб келмоқда. Қорин бўшлиғи аъзоларида симультан операцияларни минимал инвазив технологиялар асосида амалга ошириш истиқболи йўналишлардан бири ҳисобланади. Бироқ, лапароскопик усуллар оммалашшган бўлишига қарамасдан, улардан фойдаланиш даражаси тиббий муассасалар кесимида катта фарқ қиласи – 20% дан 70% гача². Асоратлар хавфни камайтириш ва даволаш натижаларини яхшилашнинг муҳим йўлларидан бири – бир вақтнинг ўзида ўтказиладиган операцияларда ташхис ва даво тактикасини оптималлаштириш ҳисобланади. Периоперацион хавфни баҳолашда турли предикторлар ва шкалалар қўлланилса-да, уларнинг маълумотлар бериш даражаси кўп ҳолларда етарли эмас. Шу боис, валидизациядан ўтган бир қатор маркерларни инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиладиган прогностик моделларни яратиш устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда қорин бўшлиғи аъзоларининг ҳамроҳ хирургик касалликларига чалинган bemорларни даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган клиник тавсияларни ишлаб чиқиш замонавий режали хирургиянинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда ва бу борада бир қатор мақсадли тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, операция олди даври учун жисмоний машқлар, озиқланишни маъбуллаштириш ҳамда bemорларнинг психологик тайёргарлигини ўз ичига оловчи мультимодал преабилитация ва нутритив оптималлаштириш дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Бундай чоралар оғир операциядан кейинги асоратлар хавфни ишончли даражада камайтиради. Шу билан бирга, bemорларнинг функционал натижаларини яхшилаш ҳамда режали симультан операциялар вақтида касалхонада бўлиш муддатини қисқартиришга хизмат қилувчи мослаштирилган ва компонентли тез тикланиш дастурлари амалиётга жорий этилмоқда.

Мамлакатимизда хирургияни ривожлантиришнинг замонавий жиҳатлари қорин бўшлиғи аъзоларининг ҳамроҳ хирургик касалликларини даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган кўплаб чора-тадбирларни ўз ичига олади. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш

¹ Toleubaev E. A., Alibekov A. E., Balykbaeva A. M., Mamyтов B. A. Simultaneous operations in abdominal organ surgery. Meditsina i Ekologiya (Medicine and Ecology). 2021;(1):47–53.

² Vural A, Goksu K, Kahraman AN, et al. Increased gallstone formation after sleeve gastrectomy and the preventive role of ursodeoxycholic acid. Acta Gastroenterol Belg. 2020;83(1):33–38.

бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма хирургик касалликларида видеоэндохирургик симультан оператив аралашувлар натижаларини яхшилаш, ушбу патологиянинг юқори тиббий ва ижтимоий аҳамияти туфайли абдоминал хирургиянинг ва умуман олганда, тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни саклаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон “Хирургия хизматини трансморфация қилиш, ҳудудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва қўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Тадқиқот иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий абдоминал жарроҳлик ривожланиши бир вақтнинг ўзида бажариладиган жарроҳлик усулларини такомиллаштириш заруриятини таъкидлайди. Жарроҳлик аралашувининг барча асосий жиҳатлари – анестезия, операция жароҳати, стресс, қон йўқотиши ва антибактериал терапия – организмнинг иммун ҳимоясини пасайтиради ва иккилламчи иммун етишмовчилиги ривожланишига замин яратади. Иммунодефицит даражаси ва асоратлар хавфи омилларини баҳолаш операциядан кейинги даврда беморни оптимал бошқариш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Операция жароҳати ва анестезия вақтинча иммунсупрессияга олиб келади, у одатда 8–14 кун ичида компенсацияланади⁴. Бироқ, ҳатто қисқа муддатли иммун жавобининг пасайиши ҳам айниқса бошланғич иммун етишмовчилиги мавжуд бўлган беморларда жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Организмнинг иммун тизими ҳолатидаги ўзгаришлар клиник натижага салбий таъсир кўрсатади, тикланиш даврини узайтиради ва ҳаёт сифатига, операция усули ёки периоперацион даврни олиб бориш хусусиятларидан қатъи назар, ёмон таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, операциядан кейинги дастлабки кунларда қўлланилиши мумкин бўлган айрим физик таъсир чоралари (масалан, минерал

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28. 01 2022 йилдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида» ПҚ-60 сонли Фармони.

⁴ Aliev M. Zh., Zubehina L. M., Niyazbekov K. I. Simultaneous operations for liver echinococcosis. Novosti Khirurgii (News of Surgery). 2021;29(1):13–19.

сувлар, фронтал гимнастика, инфрақизил лазертерапия) бўйича аниқ тавсиялар мавжуд эмас.

Миллий тадқиқотлар, айниқса ўзбек жарроҳлик мактаби томонидан олиб борилган ишлар, симультан аралашувлар бўйича далилларга асосланган илмий базага салмоқли ҳисса қўшмоқда. Жумладан, Самарқанд тиббиёт институтида ўтказилган тадқиқотда вентрал чурралар билан оғриган беморларда қўшма патологиялар учраши ҳолатлари 52,8% гача етиши аниқланган⁵. Шу билан бирга, стресс гормонлари (кортизол ва пролактин) дарражаси операциянинг симультан эмаслигига эмас, балки герниопластика усулига боғлиқ экани кўрсатилган. Кейинги тадқиқотларда эса чўзилмайдиган усуллар ва лапароскопияга устуворлик бериш операциядан кейинги асоратлар сонини 5,3% гача камайтириши ва госпитализация муддатини $8,3 \pm 0,6$ қунгача қисқартириши мумкинлиги тасдиқланган⁶. Абдоминал жарроҳликдан ташқари соҳаларда ҳам симультан аралашувларнинг хавфсизлиги исботланган, жумладан, кардиохирургияда: 75 нафар беморда каротид ва коронар томирларни бир вақтда реваскуляризация қилиш фақатгина 1,3% ўлим ҳолатлари билан кузатилган, операциялараро асоратлар эса қайд этилмаган⁷. Жигар эхинококкэктомиясида симультан аралашувлар бўйича уч йиллик кузатув натижалари рецидив ҳолатлари кузатилмаганини кўрсатган⁸. Бироқ, ушбу ишларда ҳам симультан лапароскопик аралашувларга мульти modal анальгезия, психокоррекция, физиотерапия ва “Fast Track” протоколларини интеграция қилиш бўйича стандартлаштирилган тавсиялар мавжуд эмас. Бундан ташқари, ушбу масала гинекологик нашрларда ҳам қайд этилган бўлиб, уларда асосан комбинирланган аралашувларнинг иқтисодий ва техник мақсадга мувофиқлигига эътибор қаратилган⁹. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтгача қорин бўшлиғи аъзоларининг касалликлари қўшма ҳолда учраган беморларни симультан операциялар шароитида периоперацион даврда юритиш бўйича ягона клиник протоколлар ишлаб чиқилмаган.

Ўтказилган адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатдики, қорин бўшлиғи аъзоларида симультан операциялар бўйича терминология ва класификация масалалари, яқин давр натижаларини прогнозлаш ҳамда ушбу аралашувларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини баҳолаш етарлича ўрганилмаган. Ушбу жиҳатларни аниқлаш, тизимлаштириш ва умумий тушунишни таъминлаш, персоналлаштирилган тиббий ёрдам ва давореабилитация тактикаси алгоритмини ишлаб чиқиш ҳамда уни илмий асослаш,

⁵ Kurbaniyazov Z. B., Sherbekov U. A., Mardonov B. A., Khudaynazarov U. R. Justification of simultaneous operations for abdominal hernias based on the study of stress hormones. Sciences of Europe. 2021;(70):34–38.

⁶ Sherbekov U. A., Radzhabov Zh. P. Optimization of surgical correction of combined abdominal pathology in ventral hernias. Research Focus. 2023;2(1):457–461.

⁷ Mashrapov O. A., Abdurakhmanov A. A., Obeid M. A., Rakhimov N. M., Abdukhalimov I. A., Mamataliev F. A., Dubrovchenko A. V. Comparative characteristics of simultaneous and staged operations in combined lesions of the carotid and coronary vessels. Vestnik Ekstrennoy Meditsiny (Bulletin of Emergency Medicine). 2023;16(1):5–13.

⁸ Aliev M. Zh., Zubehina L. M., Niyazbekov K. I. Simultaneous operations for liver echinococcosis. Novosti Khirurgii (News of Surgery). 2021;29(1):13–19.

⁹ Zakirova N. I., Suyarova Z. S., Tilavova Yu. M. Features of simultaneous operations in gynecology: a literature review. Voprosy Nauki i Obrazovaniya (Questions of Science and Education). 2018;29(41):104–110.

жарроҳлик усули имкониятларини кенгайтириш ва нафақат операция усулларини, балки беморларга периоперацион ёрдам кўрсатиш тамойилларини ҳам стандартлаштириш зарурати кейинги тадқиқотларни талаб этади. Шу сабабли, қорин бўшлиғи аъзоларидағи касалликларни симультан лапароскопик операциялар орқали даволаш мураккаб, етарлича ўрганилмаган ва расмийлаштирилмаган замонавий жарроҳлик йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур ҳолат ушбу тадқиқотнинг юқори даражадаги илмий ва амалий долзарблигини белгилайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий ишлари режасига мувоғиқ “Инсоннинг жарроҳлик касалликларини ташхислаш ва даволашда янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган (2021–2024 йй.).

Тадқиқот мақсади қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма хирургик касалликларида симультан оператив аралашувлар вақтида асоратлар ривожланиш хавфини камайтиришга қаратилган видеоэндохирургик усулларни қўллаш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорин бўшлиғи аъзоларида қўшма жарроҳлик патологияси мавжуд бўлган беморларда нозологик тузилмани ўрганиш ва симультан оператив аралашувлар ўтказилган беморларнинг клиник тавсифини тақдим этиш;

операциядан кейинги асоратлар ривожланиш хавфини прогнозлашга асосланган ташхис ва даво-реабилитация тактикалари алгоритмини ишлаб чиқиш ва уни илмий жиҳатдан асослаш;

қорин бўшлиғи аъзоларидаги симультан операцияларнинг натижаларини танланган операция тактикасига (лапароскопик симультан ва анъанавий симультан) ҳамда изоляцион бажарилган лапароскопик аралашувлар билан таққослаш асосида таҳлил қилиш;

қорин бўшлиғи аъзоларида ўтказилган симультан оператив аралашувларда иммунологик ҳолатнинг операция натижасига таъсирини ҳамда операция усулига боғлиқ ҳолда операциядан кейинги асоратлар шаклланишини ўрганиш;

қорин бўшлиғи аъзоларида қўшма касалликлар бўлган беморларда жарроҳлик даволашнинг яқин ва узоқ муддатли натижаларини операция усулига боғлиқ ҳолда баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2015-2024 йиллар давомида АДТИ Клиникаси ва РШТЁИМ Андижон филиалининг хирургия бўлимларида, ҳамда “Yigitov clinic” хусусий клиникасида қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма хирургик касалликлари туфайли оператив даволанган 404 нафар беморлар олинган.

Тадқиқот предмети қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма хирургик касалликлари туфайли амалга оширилган симультан анъанавий, симультан лапароскопик ва изоляцион лапароскопик операциялар натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал, махсус ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагилардан иборат:

илк бор қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма жарроҳлик касалликлари бўлган беморларда етарли клиник материал асосида симультан операциялар шароитида иммунологик маркерлар динамикаси, қўлланилдиган хирургик усуллар ва периоперацион давр юритилишининг морфофункционал хусусиятлари аниқланган;

қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма хирургик касалликларини оператив даволашда изоляцион ёки бир ташрих давомида бажарилдиган аралашувларни ўтказиш заруратини комплекс баҳолаш билан симультан эндовидеохирургик ташрихларнинг тактик ва техник жиҳатлари аниқланган;

қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма хирургик касалликларини даволашда иммунологик ва лаборатор кўрсаткичларни (CD3+, CD4+, IL-6, СРО, лимфоцитлар) баҳолаган ҳолда иммуносупрессив фенотипни ҳамда иммунтанслик ҳолати эҳтимоллигини аниқлаш орқали иммунокоррекция қилиш модели ишлаб чиқилган;

қорин бўшлиғи аъзоларида симультан оператив аралашувлар вақтида асоратлар ривожланиш хавфини камайтиришга қаратилган ҳамда “тезкор тикланиш” (fts) концепциясига асосланган ҳолда индивидуаллаштирилган ташхисот ва даволаш-реабилитация тактик тартиботининг клиник самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

қорин бўшлиғи аъзоларидаги қўшма жарроҳлик касалликларида амалга оширилдиган симультан операциялар таснифи замонавий абдоминал жарроҳлик стандартларига мос равища оптималлаштирилган;

қорин бўшлиғи аъзоларининг ҳамроҳ жарроҳлик касалликлари билан хасталанган беморларда индивидуаллаштирилган ташхислаш алгоритми ишлаб чиқилган;

қорин бўшлиғи аъзоларининг ҳамроҳ жарроҳлик касалликлари билан хасталанган беморларда индивидуаллаштирилган даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, лаборатор ва инструментал диагностиканинг замонавий усулларидан фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, қорин бўшлиғи аъзоларидаги қўшма жарроҳлик касалликларида замонавий абдоминал жарроҳлик стандартларига мос равища амалга оширилдиган симультан операциялар таснифи таклиф қилинганлиги ҳамда ушбу касалликларни даволашда иммунологик ва лаборатор кўрсаткичларни баҳолаган ҳолда

иммуносупрессив фенотипни ҳамда иммунтанқислик ҳолати эҳтимоллиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида қорин бўшлиғи аъзоларининг ҳамроҳ жарроҳлик касалликлари билан ҳасталанган беморларда индивидуаллаштирилган ташхислаш ва индивидуаллаштирилган даволаш алгоритмлари ишлаб чиқилганлиги, қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма хирургик касалликларини даволашда иммунологик ва лаборатор кўрсаткичларни баҳолаган ҳолда иммунокоррекция қилиш модели ишлаб чиқилганганлиги, шунингдек ишлаб чиқилган тартиботларнинг клиник самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма хирургик касалликларини хирургик даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Биринчи илмий янгилик: илк бор қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма жарроҳлик касалликлари бўлган беморларда етарли клиник материал асосида симультан операциялар шароитида иммунологик маркерлар динамикаси, қўлланиладиган хирургик усуллар ва периоперацион давр юритилишининг морфофункционал хусусиятлари аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти кенгashi томонидан 2025 йил 22 апрелда 6i-41/u-сон билан тасдиқланган «Симультант лапароскопик операцияларни қўллаш орқали қорин бўшлиғи органларида ҳамроҳ касалликларининг даволаш натижаларини яхшилаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фаргона филиалининг 28.04.2025 йилдаги 98/9-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 12.05.2025 йилдаги 71-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/33-сон хulosasi). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш беморларни даволаш давомида юзага келиши мумкин бўлган асоратлар сонини кескин камайтиради; ташрихдан олдинги ва кейинги асоратларнинг частотасини камайтириш натижасида реабилитация вақти тезроқ амалга ошиб, bemorlarning ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма жарроҳлик касалликлари бўлган беморларда комплекс баҳоланган периоперацион давр хусусиятларини инобатга олиш ҳар бир bemorга кутилаётган сарф-харажатлар ўртacha 3922052,1 сўмни (беморнинг шифохонадаги дастлабки куни текширувлари, муолажалари, амалиётлари ва бошқ. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази АФ преискуранти бўйича), таклиф қилинаётган жарроҳлик тактикасида ушбу қиймат 2792718,8 сўмни ташкил қиласи, яъни харажатларни 1,4 баробар камайтириш имконини беради. Хулоса: таклиф этилаётган жарроҳлик тактикасидаги комплекс усулларни амалиётга жорий этилиши бир bemor учун 1129333,3 сўм иқтисод қилинишига имкон беради. Бунинг натижасида йиллик иқтисодий самара 212314660,4 сўмни ташкил этади (188 нафар bemor учун).

иккинчи илмий янгилик: қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма хирургик касалликларини оператив даволашда изоляцион ёки бир ташрих давомида бажариладиган аралашувларни ўтказиши заруратини комплекс баҳолаш билан симультан эндовидеохирургик ташрихларнинг тактик ва техник жиҳатлари аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти кенгаши томонидан 2025 йил 22 апрелда 6i-41/u-сон билан тасдиқланган «Симультант лапароскопик операцияларни қўллаш орқали қорин бўшлиғи органларида ҳамроҳ касалликларининг даволаш натижаларини яхшилаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 28.04.2025 йилдаги 98/9-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 12.05.2025 йилдаги 71-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/33-сон хulosаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: беморларни даволашда симультан эндовидеохирургик ташрихларнинг аниқлаштирилган тактик ва техник жиҳатлари беморларга бир вақтда қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма хирургик касалликларидан даволанишга, ҳайт сифатини оширишга, меҳнат қобилиятини тез тикланишига имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: таклиф этилаётган усулларни комплекс қўллаш орқали беморларнинг ташрихдан кейинги эрта фаоллаштиришга эришилган, бунинг натижасида беморларнинг реанимация бўлимида қаров вақти ўртacha 23,1 соатдан 14,9 соатга қисқарган. Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази АФ прейскуранти бўйича (02.02.2024йил) реанимация бўлимида Ўзбекистон Республикаси фуқоролари учун реанимация қарови учун 1 соати-42000 сўм, 24 соати учун 1000000 сўмни ташкил этган. Ҳисоблашга кўра анъанавий-стандарт тактика қўлланилганда бир бемор учун реанимация бўлимида қаров учун 970200 ($23,1 \times 42000 = 970200$) сўм сарфланган, таклиф этилган усул жорий этилганда эса 625800 сўм ($14,9 \times 42000 = 625800$) сарфланган. Демак такомиллаштирилган усулни қўллаш натижасида бир бемордан 344400 сўм ($970200 - 625800 = 344400$) тежаш имконини беради. Хулоса: таклиф этилаётган комплекс усулларни амалиётга жорий этилиши бир бемор учун 344400 сўм иқтисод қилинишига олиб келди.

учинчи илмий янгилик: қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма хирургик касалликларини даволашда иммунологик ва лаборатор қўрсаткичларни (CD3+, CD4+, IL-6, СРО, лимфоцитлар) баҳолаган ҳолда иммуносупрессив фенотипни ҳамда иммунтанқислик ҳолати эҳтимоллигини аниқлаш орқали ишлаб чиқилган иммунокоррекция қилиш модели Андижон давлат тиббиёт институти кенгаши томонидан 2025 йил 22 апрелда 6i-41/u-сон билан тасдиқланган «Симультант лапароскопик операцияларни қўллаш орқали қорин бўшлиғи органларида ҳамроҳ касалликларининг даволаш натижаларини яхшилаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 28.04.2025 йилдаги 98/9-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 12.05.2025 йилдаги 71-сон

буйруқлари билан амалиётта жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/33-сон холосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ишлаб чиқилган иммунокоррекция қилиш моделини қўллаш ташрихдан кейинги асоратлар сонини камайтириш, беморларнинг реабилитация вақтини қисқартириш, ташрихдан кейинги ўлим даражасини камайтиришга олиб келади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма хирургик касалликларини даволашда таклиф этилаётган моделни қўллаш натижасида шифохонада қолиш муддати ўртacha 9 кундан 6 кунга қисқарган. Бунинг натижасида 1 bemornинг стационарда бўлиши 1 кунлик жами харажатларининг ўртacha миқдори (Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази АФ прейскуранти бўйича ётоқ-ўрини, дори-дармонлар, текширувлар билан биргаликда) 188222,6 сўмни ташкил этса, 3 кунлик харажат 564666,7 сўмни ташкил этади. Хулоса: таклиф этилаётган комплекс усулларни амалиётта жорий этилиши бир bemor учун 564666,7 сўм иқтисод қилинишига олиб келди. Хулоса: ушбу илмий янгиликдан фойдаланиш ўрин-кунларни қисқартириш ҳисобига тадқиқот кўлами бўйича (n=54) 30492001,8 сўм бюджет маблағлари тежалишига имкон беради.

тўртинчи илмий янгилик: қорин бўшлиғи аъзоларида симультан оператив аралашувлар вақтида асоратлар ривожланиш хавфини камайтиришга қаратилган ҳамда “тезкор тикланиш” (fts) концепциясига асосланган ҳолда индивидуаллаштирилган ташхисот ва даволаш-реабилитация тактик тартиботининг клиник самарадорлиги исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти кенгаши томонидан 2025 йил 22 апрелда 6i-41/u-сон билан тасдиқланган «Симультант лапароскопик операцияларни қўллаш орқали қорин бўшлиғи органларида ҳамроҳ касалликларининг даволаш натижаларини яхшилаш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётта жорий қилиниши: Мазкур таклиф Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалининг 28.04.2025 йилдаги 98/9-сон ҳамда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалининг 12.05.2025 йилдаги 71-сон буйруқлари билан амалиётта жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 июндаги 19/33-сон холосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: индивидуаллаштирилган жарроҳлик тактикасини қўллаш диагностик хатолар ва ташрихдан кейинги асоратлар сонини камайтириш, беморларнинг реабилитация вақтини қисқартириш, ташрихдан кейинги ўлим даражасини камайтиришга олиб келади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Ҳисоб-китобларга асосланиб, асосий гуруҳдаги bemорларда симультан лапароскопик амалиётларни ўтказищдан ўртacha иқтисодий самарадорлик 1 нафар bemорга 8413442 сўмни ташкил этди. Хулоса: индивидуаллаштирилган ташхисот ва даволаш-реабилитация тактик тартиботидан фойдаланиш тадқиқот кўлами бўйича (n=54) жами 454325868 сўм маблағлар тежалишига имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та ҳалқаро ва 1 та Республика

илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, тадқиқот натижаларининг аprobацияси ва эълон қилинганини, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг “**Адабиётлар шархи**” деб номланган биринчи боби тўртта кичик бобдан иборат. Уларда изчил равишда анъанавий ёндашувлар, лапароскопик методикалар ривожи ва видеоэндожарроҳликнинг замонавий имкониятлари, жумладан жигар эхинококкози, морбид семизлик ва чурралардаги симультан аралашувлар, шунингдек, жарроҳлик аралашувлари вақтида иммунологик ва лаборатор кўрсаткичларнинг ўзгариши масалалари кўриб чиқилган. Боб якунида янада чуқур ўрганишни талаб этувчи баҳсли масалалар келтирилган.

Диссертациянинг “**Тадқиқот материаллари ва усуллари**” деб номланган иккинчи боби беморлар тавсифи ва тадқиқотда қўлланилган усулларга бағищланган. Тадқиқот материали сифатида Андижон давлат тиббиёт институтининг жарроҳлик бўлимларида, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Андижон филиали эндожарроҳлик бўлимида ва “YIGITOV CLINIC” клиникасида оператив даволаш олган 404 нафар бемор танланган. Биринчи (назорат) гурухга 2015–2020 йилларда анъанавий “очик” усулда симультан операция (СТО) ўтказилган 129 нафар бемор киритилган. Иккинчи (асосий) гурухни 2021–2024 йилларда симультан лапароскопик операция (СЛО) ўтказилган 147 нафар бемор ташкил этган. Учинчи гурух – таққослаш гурухи – 2021–2024 йилларда изоляцион (якка) лапароскопик операция (ИЛО) ўтказилган 128 нафар беморни ўз ичига олган.

Беморларни жинси ва ёши бўйича тақсимланиши шундан далолат бердики, барча клиник гурухларда, айниқса қўшма патология ҳолларида, аёллар устунлик қилди: I гурухда аёллар улуси 75% ни, II гурухда эса 79% ни ташкил этди (бошқача айтганда, эркакларга нисбатан уч баробар кам). Изоляцион бажарилган лапароскопик аралашувлар гурухида жинсий мувозанат нисбатан сақланган – 55,5% аёллар ва 44,5% эркаклар. Барча гурухларда bemорларнинг асосий қисми 21 ёшдан 60 ёшгача бўлган меҳнатга лаёқатли ёшдагилардан иборат эди.

Күшма жарроҳлик патологияси мавжуд бўлган ва анъанавий усулда операция қилинган беморларнинг нозологик тузилмасида асосий ўринни қуидаги ҳолатлар эгаллади: ҳисоб-тошли холециститнинг ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги билан биргалиқда учраши – 27%, жигарнинг эхинококкоз билан заарланиши – 26%, вентрал чурралар (19%) ва чов чурралар (15,5%). Шунингдек, беморларнинг тахминан 12% да жигардаги солитар кисталар аниқланган (1-расм).



1-расм. Назорат гуруҳидаги беморларда симультан операциялар тузилмаси

Симультан лапароскопик аралашувлар гуруҳида энг кенг тарқалган битишмалар холецистит ва морбид семизлик (37%), жигар эхинококкози (22%), вентрал ҳамда чов чурралар (ҳар бири тахминан 16%) ва жигар кисталари (9,5%) бўлди (2-расм).



2-расм. Симультан лапароскопик аралашувлар гуруҳида операциялар тузилмаси


Изоляцион бажарилган лапароскопик операцияларни бошдан кечирган bemорлар орасида энг кўп амалга оширилган жарроҳлик чора-тадбирлари қуидагилардан иборат бўлди: холецистэктомия (23%), ошқозоннинг бўйлама резекцияси (21%), чов чуррани герниопластикаси (16%), вентрал чуррани герниопластикаси (14%), жигар эхинококк кисталарини олиб ташлаш (13%) ва солитар кисталарни резекция қилиш (12,5%). Ҳар учала гуруҳда ҳам режали операциялар устунлик қилди (71% дан 84% гача). Энг юқори шошилинч аралашувлар улуши I гуруҳда (тахминан 29%) кузатилган бўлса, энг кам кўрсаткич II гуруҳда (16%) қайд этилган.

Аниқланган нозологик хилма-хиллик ва битишмаларнинг турли тез-тезликда учраши ягона системалаштириш зарурлигини таъкидлайди. Амалдаги классификациялар патогенетик ўзаро боғлиқликларни акс эттиримайди, қарор қабул қилиш босқичини белгиламайди ва ортиқча терминологик юкланган бўлиб, даволаш тактикасини танлашда қийинчилик туғдиради. Шу боис ушбу тадқиқот доирасида шошилинчлик даражаси, усул ва кириш йўли, қарор қабул қилиш босқичи, патогенетик боғлиқлик, вақт бирлиги, анатомик локализация ҳамда операция натижаларини ҳисобга олган ҳолда, бирлашган жарроҳлик касалликларининг такомиллаштирилган классификацияси ишлаб чиқилди. Ушбу классификация диссертациянинг тегишли бобида батафсил баён этилган. Мазкур классификация 2024 йилда Андижон шаҳрида бўлиб ўтган «Профилактик тиббиёт: муаммолар, ечимлар, истиқболлар» халқаро конференциясида тасдиқланган ва Ўзбекистон соглиқни сақлаш амалиётида қўллаш учун тавсия этилган.


Шунингдек, тадқиқот доирасида қорин бўшлиғи аъзоларининг қўшма жарроҳлик касалликларида диагностика ва даволашнинг индивидуаллаштирилган алгоритмлари ишлаб чиқилган (DGU №34202; DGUNо 48978 ва DGU №34153) (3 ва 4-расмлар). Таклиф этилган алгоритмдан фойдаланиш СЛО (симультан лапароскопик операция) ёки СТО (симультан анъанавий операция) қўллаш зарурлигини асосли белгилаш имконини беради. Жарроҳлик кириш йўли ва операция босқичларининг изчиллиги операцияни бевосита амалга ошираётган жарроҳлар жамоаси томонидан аниқланади.

Диссертациянинг учинчи бобида **«Қорин бўшлиғи аъзоларидағи симультан операцияларнинг солиштирма тавсифи»** келтирилган. Симультан ва изоляцион бажарилган аралашувларнинг солиштирма тахлили ошқозонга операция ўтказилган bemорлар мисолида, саккизта асосий интраоперацион ва операциядан кейинги мезонлар бўйича амалга оширилди (1-жадвал).

Аниқланишича, лапароскопик симультан аралашувлар операция давомийлиги ва инфузион терапия ҳажми бўйича «очиқ» симультан ҳамда изоляцион бажарилган лапароскопик операциялар орасида ўртача ўринни эгаллайди. Шу билан бирга, операциядан кейинги тикланиш мезонлари (фаоллашув бошланиши, энтерал озиқлантириш, ичак орқали газларнинг чиқиши), оғриқ синдроми ва стационардаги кунлар сони бўйича 2 ва 3-гуруҳ кўрсаткичлари статистик жиҳатдан ўхшаш бўлган.



З-расм. Қорин бўшлиғи органларининг ҳамроҳ жарроҳлик касалликлари билан хасталанган bemорларни диагностик индивидуаллаштирилган алгоритми.



4-расм. Қорин бўшлиғи органларининг ҳамроҳ жарроҳлик касалликлари билан хасталанган bemorларни даволаш индивидулаштирилган алгоритми

СЛО - Симультан Альянсий операция; СТО - Симультан Гибрал операция; ИЛО - Изоляцион Латароскопик операция; ИТО - Изоляцион Альянсий операция

**Ошкозонда бажарилган симультан ва изоляцион аралашувларнинг асосий
интраоперацион ва операциядан кейинги мезонлар бўйича тавсифи**

1-жадвал.

Такъослаш мезонлари	Симультан анъанавий операциялар (n=35) I (назорат) гурӯҳ	Симультан лапароскопик операциялар (n=54) II (асосий) гурӯҳ	Изоляцион бажарилган операциялар (n=27) III гурӯҳ	Изоляцион бажарилган операциялар (n=27) III гурӯҳ	Games-Howell тест (Бонферрони тузатмаси билан), жуфтликда тақъослаш тести		
					I vs II p_adj	I vs III p_adj	II vs III p_adj
Операция вакти (дақиқада)	157,1±16,5	73,2±20,5	54,5±13,5	p < 0,05	p < 0,017	p < 0,017	p < 0,017
Интраоперацион инфузия ҳажми (мл)	2215,2±350,0	1428,2±372,0	937,0±316,4	p < 0,05	p < 0,017	p < 0,017	p < 0,017
Кўлланилган спазмолитиклар миқдори (мл)	64,8±3,5	27,5±4,5	25,5±4,0	p < 0,05	p < 0,017	p < 0,017	p > 0,017
Кўлланилган СКҚВ (НПВС) миқдори (мл)	59,0±6,0	17,0±6,0	15,0±5,0	p < 0,05	p < 0,017	p < 0,017	p > 0,017
Операциядан кейинги фаоллашув бошланиши (кун)	3,5±0,5	1,6±0,8	1,4±0,6	p < 0,05	p < 0,017	p < 0,017	p > 0,017
Таомланиш бошланиши (кун)	2,5±0,5	1,7±0,8	1,5±0,7	p < 0,05	p < 0,017	p < 0,017	p > 0,017
Газ чиқиши бошланиши (кун)	2,4±0,3	1,3±0,6	1,2±0,5	p < 0,05	p < 0,017	p < 0,017	p > 0,017
Операциядан кейинги шифохонада ётиш кун	12,9±0,6	2,9 ± 1,4	2,4 ± 1,6	p < 0,05	p < 0,017	p < 0,017	p > 0,017

Games-Howell тест
(Бонферрони тузатмаси билан),
жуфтликда тақъослаш тести
ишончли **p < 0,017**

ANOVA, F-тест
ишончли **p < 0,05**

Games-Howell тест
(Бонферрони тузатмаси билан),
жуфтликда тақъослаш тести
ишончиз **p > 0,017**

Анъанавий очиқ симультан аралашувлар эса операциянинг энг узок давом этиши, инфузион терапиянинг энг катта ҳажми, анальгетикларга юқори эҳтиёж ва функционал тикланишнинг секинлашуви билан тавсифланади, бу эса госпитализация муддатининг узайишига олиб келади.

ПАРС (регулятор тизимлар фаоллик қўрсаткичи) бўйича вегетатив регуляцияни баҳолаш натижаларига кўра, симультан лапароскопик операциялардан сўнг вегетатив зўрикиш даражаси ўртacha бўлган ва 7-кунга келиб барқарорлашган, анъанавий очиқ операцияларда эса кучли вегетатив ортиқча зўрикиш сақланиб қолган (2-жадвал).

2-жадвал.

Текширилаётган гуруҳларда ПАРС ўзгаришлари динамикаси қўрсаткичлари

I гурух Симультан анъанавий операциялар (n=35)			II гурух Симультан лапароскопик операциялар (n=54)			III гурух Изоляцион бажарилган операциялар (n=27)		
Опер-дан олдин	1-кун	3-кун	Опер-дан олдин	1-кун	3-кун	Опер-дан олдин	1-кун	3-кун
3,1±1,9	6,9±1,0	5,5±0,7	2,8±1,3	3,9±0,6	3,4±0,9	2,5±1,7	4,1±0,8	2,9±0,6

Симультан ва изоляцион операциялардан сўнг эрта давр кечишининг солиштирма таҳлили қоннинг 16 та лаборатор қўрсаткичи бўйича амалга оширилди. Барча гуруҳларда 7-кунга келиб эритроцитлар ва гемоглобин даражалари асосан бошланғич қийматларга яқинлашган, бироқ назорат гуруҳида (СТО) статистик жиҳатдан ишончли фарқ сақланиб қолган, бу эса гемопоэз функциясининг тўлиқ тикланмаганини кўрсатади. СОЭ ва фибриноген ўсиши барча ҳолатларда қузатилган, аммо уларнинг энг юқори ва узок давом этувчи қўрсаткичлари очиқ (лапаротомик) симультан киришдан сўнг аниқланган. Умумий оқсил даражаси операциядан кейинги биринчи суткада барча гуруҳларда ишончли пасайган, айниқса СТО гуруҳида, СТО ва СЛО гуруҳларида 7-кунга келиб ишончли тикланиш қузатилган, ИЛО гуруҳида эса кечиккан, бироқ статистик жиҳатдан аҳамиятли қўтарилиш қайд этилган. СЛО ва ИЛО гуруҳларида глюкоза даражаси операциягача гипергликемик ҳолатда бўлиб, 7-кунга келиб ишончли равишда пасайган. СТО гуруҳида биринчи суткада транзитор гипергликемия қайд этилган бўлиб, у статистик жиҳатдан ишончли пасайиш билан бошланғич даражага қайтган. Умумий билирубин барча гуруҳларда референс меъёрда сақланган, аммо тўғридан-тўғри билирубин даражаси ҳафта охрига келиб фақат очиқ симультан киришда ишончли қўтарилиган. АСТ, АЛТ ва амилаза даражалари фақат очиқ симультан аралашувлардан сўнг референс чегарасидан ошган ва 7-кунга нормаллашган, лапароскопик усулларда эса улар меъёр доирасида қолган. Креатинин, мочевина ва электролитлар фақат назорат гуруҳида ифодалангандек, ўртacha транзитор ўзгаришлар билан намоён бўлган, бироқ физиологик меъёрдан ташқарига чиқмаган. Протромбин индекси барча гуруҳларда биринчи суткада ишончли пасайган, энг кескин тушиш очиқ хирургик киришда қузатилган ва тўлиқ тикланиш 7-кунга келиб фақат лапароскопик аралашувларда қайд этилган.

Диссертациянинг тўртинчи бобида “**Қорин бўшлиғи аъзоларининг бир вақтнинг ўзида бир нечта касалликлари бўлган беморларда ўтказилган симультан жарроҳлик операцияларидан кейин иммун ҳолатни ўрганиш**” натижалари келтирилган. Иммунитетнинг хужайравий бўғини лейкоцитлар, нейтрофиллар, моноцитлар, В-лимфоцитлар ва Т-лимфоцитлар даражаси орқали баҳоланди. Очик ва лапароскопик жарроҳликда яллигланиш жавобини таққослаш натижасида аниқландики, лапароскопик усулда лейкоцитлар, таяқсимон ядровий нейтрофиллар, моноцитлар ва лимфоцитлар даражаси анъянавий операцияларга нисбатан анча паст бўлади.

Жарроҳлик амалиётлари иммун тизимининг барча бўғинларида – хужайравий, гуморал ва фагоцитар тизимларда ўзгаришларга сабаб бўлади. Шу сабабли, иммунокоррекция асоратларни олдини олиш ва даволаш мақсадида қўлланилайдиган хирургик амалиётнинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. Беморнинг иммун ҳолатини баҳолашда Т- ва В-хужайравий бўғинлар фаолияти, фагоцитар функция ҳамда цитокинлар ишлаб чиқарилиши даражаси таҳлил қилиниши лозим. Тўқималарнинг шикастланиши иммунсупрессияни келтириб чиқаради, бу эса Т-супрессорлар ($CD8^+$) миқдори ва фаоллигининг ортиши билан намоён бўлади. Бу ҳолат В-хужайравий иммунитет ва фагоцитар фаолиятни сусайтириши мумкин.

